



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ МЕТОДОЛОГИЯСИ БОШҚАРМАСИДА
РҮЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ**

**2020 йил 22 июнь
557-сон**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
акциядорлари умумий йиғилишининг
“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
бошқаруви түғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

ҚАРОРИ



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ
ҚАРОПИ**

**““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
бошқаруви түғрисида низом”ни
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 3/б-сон қарори (2000 йил 5 апрель, рўйхат рақами 916) билан тасдиқланган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий хужжатларига қўйиладиган талаблар түғрисида низом”га мувофиқ “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки бошқаруви түғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кузатув кенгашининг 2019 йил 30 декабрдаги 194-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки бошқаруви түғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (2020 йил 8 январь, рўйхат рақами 548) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.
3. Мазкур қарор Банк ички норматив ҳужжатлари реестрида рўйхатдан ўтказилган куннинг эртасидан бошлаб кучга киради.

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси

Т.Шарипов

Тошкент шаҳри,
2020 йил 12 июнь,
51-сон.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
акциядорлари умумий йиғилишининг
2020 йил 12 июнданги 51-сон қарорига
ИЛОВА

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки бошқаруви түғрисида низом

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ қўшиимча ва ўзгартиришлар киритилган:

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат;

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган ва 604-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат;

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида” қонунлари, Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари түғрисида низом (*Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган*), Тижорат банкларида корпоратив бошқарув түғрисида низом (*Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган*) асосида ишлаб чиқилди ва у “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувининг мақоми, таркиби, ваколатлари, ишлаш тартиби, Банкнинг бошқариш органлари билан ўзаро муносабатини, шунингдек аъзоларининг ҳукуки, мажбурияти ва жавобгарлигини белгилайди. (*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги муқаддима*)

1-§. Умумий қоидалар

1. Банк бошқаруви банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у Банкнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимида мувофиқ банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

Банк бошқаруви Банкнинг кузатув кенгashi ва Банк акциядорлари умумий йиғилишига ҳисобот беради.

2. Банк бошқаруви ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг кузатув кенгashi қарорлари, мазкур Низом ва Банкнинг бошқариш ички норматив ҳужжатларига амал қиласди.

2-§. Банк бошқаруви таркиби, уни тузиш

ва ваколатларини тугатиш

3. Банк бошқаруви Банкнинг кузатув кенгаши томонидан тузилади. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган ва 604-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги хатбоши*)

Банк бошқаруви аъзолари сони Банк уставига кўра белгиланади.

Банк бошқаруви таркибига Банк бошқаруви раиси ва унинг ўринbosарлари, бош бухгалтер, ички назорат тизимини бошқаришга жавобгар бўлган Комплаенс-назорат департаменти директори ҳамда Юридик департамент раҳбари киритилади. Шунингдек, Банк бошқаруви таркибига Бош банкнинг асосий таркибий тузилмалари раҳбарлари киритилиши мумкин. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги қисм*)

Банк бошқаруви аъзолигига номзодларга қўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) банк бошқаруви раиси лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида ўн йиллик иш стажига, шу жумладан камида беш йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

б) банк бошқаруви раиси ўринbosари лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида етти йиллик иш стажига, шу жумладан камида уч йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

в) бош бухгалтер лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида олти йиллик иш стажига, шу жумладан камида уч йил банк бухгалтерия йўналишида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

г) банк бошқаруви аъзоси лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан камида икки йил банк тизимида раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Банк бошқаруви аъзолигига тавсия этилаётган Юридик департамент раҳбари олий юридик маълумотга ҳамда банк тизимида камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиши керак.

Банк бошқаруви аъзолигига номзодни Банкнинг кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиши учун Банк бошқаруви раиси тақдим этади.

Банкнинг кузатув кенгаши Банк бошқаруви аъзолигига номзодни дастлабки баҳолашни амалга оширади, бунда номзоднинг ишчанлик обрўси, тажрибаси, билим ва

кўникмалари, мустақил мулоҳаза юритиши, вақтининг етарлилиги ва жамоавий яроқлилигини “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида низом” (*Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган*) ва Банкнинг ички талаблари асосида текширади. Мазкур дастлабки баҳолаш Банкнинг кузатув кенгаши томонидан номзодни сайлаш ёки тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин амалга оширилади. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган қисм*)

Банкнинг кузатув кенгаши Банк бошқаруви аъзолигига номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олади.

Банк бошқаруви раиси лавозимга Банкнинг кузатув кенгаши қарори билан, кейинчалик Банк акциядорлари умумий йигилишида тасдиқлаш орқали, тайинланади. Банк бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисида қарор хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

Банк бошқаруви аъзолигига сайлаш йигилища қатнашаётган Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари томонидан берилган оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарор асосида амалга оширилади.

4. Банк бошқаруви раиси ва Банк бошқаруви аъзоларининг ҳуқук ва мажбуриятлари уларнинг ҳар бири Банк билан уч йил муддатга тузадиган меҳнат шартномасида белгиланиб, ушбу шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган ва 604-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги хатбоши*)

Банк бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банкнинг кузатув кенгаши раиси имзолайди. Банк бошқарувининг бошқа аъзолари билан меҳнат шартномасини Банк бошқаруви раиси тузади. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган ва 604-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги хатбоши*)

Банк Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини Банк бошқаруви аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида қабул қиласи. Банк бошқаруви аъзоларига лавозим маоши, лавозим маошига устама ҳақ, мукофот, меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофот ва компенсациялар белгилаш Банк ички норматив ҳужжатлари, Жамоа шартномаси ва Тармоқ келишуви асосида амалга оширилади.

5. Банк бошқаруви аъзолари мазкур Низомда белгиланган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Банк акциядорлари умумий йиғилиши, Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк бошқаруви қарорлари ҳамда Банк бошқаруви раисининг кўрсатмалари доирасида фаолият юритади.

6. Банкнинг кузатув кенгаши Банк бошқаруви раиси ва Банк бошқарувининг ҳар бир аъзоси ваколатларини исталган пайтда тугатишга ҳақли ҳисобланади.

Банк бошқаруви аъзолари томонидан Банк устави талаблари қўпол тарзда бузилиши ёки уларнинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилиши улар ваколатини тугатишга асос бўлади.

7. Банк бошқаруви аъзосининг Банкда эгаллаган лавозимдан бўшатилиши, унинг Банк бошқарувида аъзолигининг тугатилишига олиб келади.

3-§. Банк бошқарувининг ваколатлари

8. Банк бошқарувининг ваколатига, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари, Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, шу жумладан:

- а) Банк уставига мувофиқ Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг кузатув кенгашида кўриладиган масалаларни тайёрлаш, бу масалалар бўйича тегишли хужжатлар ва қарорларнинг лойиҳасини тайёрлаш;
- б) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этиш;
- в) Банкнинг бизнес-режасида тасдиқланган миқдорда фойда олинишини таъминлаш;
- г) Банкни ривожлантириш бизнес-режаси ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, унинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- д) тасдиқланиши Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг кузатув кенгаши ваколатига киритилмаган Банк ички норматив хужжатларини тасдиқлаш;
- е) тасдиқланиши Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг кузатув кенгаши ваколатига киритилган Банк ички норматив хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим этиш;
- ё) Банк хизматларига оид тарифларни тасдиқлаш;
- ж) Бош банк таркибий тузилмалари, Банкнинг филиаллари ва шўъба корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- з) тафтиш ва текшириш материаллари, шунингдек Бош банк таркибий тузилмалари раҳбарлари, Банк филиаллари ва шўъба корхоналари бошқарувчиларининг ҳисботларини муҳокама қилиш;
- и) Банкнинг ойлик, чораклик, йиллик ҳисботлари ва бухгалтерия балансларини

муҳокама қилиш;

й) Банкнинг молиявий ҳолати, энг муҳим дастурлари ижроси, Банк фаолиятига муҳим таъсир кўрсатадиган битим ва қарорлар тўғрисида Банкнинг кузатув кенгашига мунтазам равишда ахборот бериш;

к) аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни Ички аудит департаменти билан биргаликда ўрганиш ва ўрганиш натижалари хақида баённомани Банкнинг кузатув кенгашига тақдим этиш;

л) Банк ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартиби ва шартларини белгилаш;

м) Банк фаолиятига оид, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган, бошқа масалаларни ҳал этиш.

9. Банк бошқаруви Банкнинг кузатув кенгашига мунтазам равишда, бироқ бир чоракда камида бир марта, Банк акциядорлари умумий йиғилишига бир йилда бир марта Банк фаолиятининг ҳолати, ривожланишнинг янги йўналишлари, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг кузатув кенгаши қарорларининг бажарилиши, шунингдек бошқа масалалар тўғрисида хисобот беради.

4-§. Банк бошқаруви раисининг ваколатлари

10. Банк бошқаруви раиси Банк бошқарувини бошқаради.

11. Банк бошқаруви раисининг ваколатлари:

а) Банкнинг жорий фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

б) Банк бошқаруви мажлисини чақириш ва олиб бориш;

в) Банк бошқаруви мажлисининг кун тартибини белгилаш ва тасдиқлаш;

г) Банк бошқаруви аъзолигига номзодларни Банкнинг кузатув кенгашида тасдиқлаш учун тақдим этиш;

д) Банк бошқаруви аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида Банкнинг кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

е) Банкнинг кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилишигача ва Банкнинг кузатув кенгашида Банк бошқаруви аъзолари ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача Банк бошқарувининг ушбу аъзолари ваколатини тўхтатиш;

ё) Банк томонидан даъво қўзғатилиши, қайтариб олиниши, тан олиниши, тартибга солиниши тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ж) Банк номидан шартномалар, ишончномалар, мажбуриятларни имзолаш;

з) Банкнинг барча ходимлари учун ижро этилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш, кўрсатмалар бериш;

и) Банк номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатини ифода

етиш, битимлар тузиш ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида кўзда тутилган барча юридик ҳаракатларни амалга ошириш (Банк уставига мувофиқ Банкнинг бошқариш органлари ваколатига киритилган битимларни тузиш бундан мустасно);

- й) Банк ходимлари меҳнат ҳақиси микдорини белгилаш;
- к) Бош банк ва Банк филиалларининг штат жадвалларини тасдиқлаш, Бош банк ходимлари ва Банк филиалларининг номенклатура ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиш, уларни лавозимдан озод қилиш, уларга нисбатан тақдирлаш ва интизомий жазо чораларини қўллаш, уларнинг лавозим маошига устама ҳақ белгилаш;
- л) Бош банк таркибий тузилмалари тўғрисида низомлар, Бош банк ходимлари ва Банк филиаллари номенклатура ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- м) Банк бошқаруви томонидан тасдиқланган барча хужжатларни имзолаш;
- н) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва Банк уставида белгиланган доирада Банкнинг мол-мулки ва пул маблағини тасарруф этиш;
- о) Банкнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни белгилаш ва Банкнинг жорий фаолиятида махфийликка амал қилинишини таъминлаш;
- п) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг қузатув кенгашига Банкнинг йиллик ҳисботини тақдим этиш;
- р) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Банкнинг қузатув кенгашига фойдани тақсимлаш ва кўрилган зарарни қоплаш юзасидан таклифларни тақдим этиш;
- с) ички назоратни ташкил қилиш ва амалга оширишга оид Банк стратегияси ва сиёсатининг бажарилишини таъминлаш;
- т) Банк акциядорлари умумий йиғилиши, Банкнинг қузатув кенгаши ва Банк бошқаруви қарорларининг ижроси учун жавобгарликни белгилаш;
- у) Банк фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ички норматив хужжатлар талабларига амал қилинишини таъминлаш;
- ф) Банк бошқаруви раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;
- х) Банкнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва Банк уставида кўзда тутилган, бошқа масалаларни ҳал қилиш ва баъзи функцияларни бажариш.

12. Банк бошқаруви раиси узрли сабабга кўра ишда бўлмаган (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик, ўз ҳисобидан таътилда бўлган) пайтда, шунингдек Банк бошқаруви раиси ўз функцияларини бажара олмайдиган баъзи ҳолларда, унинг функциясини Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарларидан бири бажаради.

5-§. Банк бошқаруви мажлисини ўтказиш

13. Банк бошқаруви мажлислари зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта

ўтказилади.

14. Банк бошқаруви мажлисида муҳокама қилинадиган масала бўйича таклифни Банк бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари, Банк бошқарувининг бошқа аъзолари, Банкнинг кузатув кенгаши, Банкнинг кузатув кенгаши раиси, Банк тафтиш комиссияси раиси (Банк тафтишчиси), Бош банк таркибий тузилмалари раҳбарлари ва Банк филиаллари бошқарувчилари киритишга ҳақли ҳисобланади.

15. Банк бошқаруви мажлиси Банк бошқарувига сайланган аъзоларнинг 50 фоизидан ортиги қатнашганда ўтказилади (кворум).

16. Банк бошқаруви мажлисида қарор мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Банк бошқаруви мажлисида масала ҳал этилаётганда Банк бошқарувининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Банк бошқарувининг бир аъзоси ўз овоз бериш ҳуқукини Банк бошқарувининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Банк бошқаруви қарорининг Юридик департамент директори имзосисиз қабул қилинишига йўл қўйилмайди. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган ва 604-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги хатбоши*)

Агар Юридик департамент директори узрли сабаб (хизмат сафари, меҳнат таътили, ўқув таътили, иш ҳақи сакланмаган ҳолда таътил, касаллик) туфайли Банк бошқаруви мажлисида қатнашмаса, Банк бошқаруви қарори лойиҳасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан Бош банкнинг Юридик департамент томонидан ҳуқуқий хулоса берилади. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган ва 604-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги хатбоши*)

17. Банк бошқаруви мажлисида баённома юритилади ва унда қўйидагилар қайд этилади:

- а) Банк бошқаруви мажлиси ўтказилган сана;
- б) мажлисда ҳозир бўлган Банк бошқаруви аъзоларининг шахсий таркиби;
- в) Банк бошқаруви мажлисига таклиф этилган шахслар;
- г) Банк бошқаруви мажлисида муҳокама қилинадиган масалалар;
- д) Банк бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар.

Баённомада, шунингдек, бошқа зарур бўлган маълумотлар акс эттирилиши мумкин.

18. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилган ва иштирок этган Банк бошқаруви аъзолари томонидан имзоланади.

19. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси вараклари рақамланган ва ип ўтказиб

тикилган, Банк бошқаруви раиси ўринбосари ҳамда баённомаларни рўйхатдан ўтказувчи Бош банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти раҳбарининг имзолари ва асосий муҳр билан тасдиқланган махсус журналда рўйхатдан ўтказилади.

20. Банк бошқаруви мажлиси баённомасининг нусхаси (баённомадан кўчирма) кўйидагиларга берилади:

- а) Банкнинг кузатув кенгаси раиси ва Банк тафтиш комиссияси раисига (Банк тафтишчисига), уларнинг талабига кўра;
- б) Бош банк таркибий тузилмалари раҳбарлари ва Банк филиалларига, агар кўрилган масала уларга функционал жиҳатдан дахлдор бўлса;
- в) бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг сўрови бўйича, фақат Банк бошқаруви раисининг рухсати билан;
- г) бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан давлат органлари), Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

21. Бош банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти Банк бошқаруви мажлисининг кун тартибидаги масалалар бўйича ҳужжатларни тўплайди (йигади) ва уларни Банк бошқаруви мажлисига киритади, Банк бошқаруви мажлислари баённомаларини рўйхатдан ўтказади ва сақлайди, Банк бошқаруви қарорлари уларни бажариш учун масъул бўлган Бош банк таркибий тузилмалари ва Банк филиалларига ўз вақтида етказилиши учун жавоб беради.

6-§. Банк бошқаруви ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

22. Банк бошқаруви аъзолари Банк акциядорлари ва Банк кузатув кенгашининг ишончли вакиллари бўлиб, ўзларининг ҳуқуқини амалга оширишда ва мажбуриятини бажаришда Банк ва унинг акциядорларининг манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиши лозим.

Банк бошқаруви аъзоси ўз фаолиятини амалга ошираётганда масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарлик ва жонкуярликни намоён қилиши ҳамда содиқлик билан хизмат қилиши лозим. (*Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган қисм*)

Банк бошқаруви аъзосининг жавобгарлик ва жонкуярликни намоён қилишига кўйидагилар киради:

- а) қарорларни онгли равишда қабул қилиш ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қилиш, шу жумладан, қарорларни ўз ваколатлари доирасида ва мавжуд маълумотларни ҳар томонлама баҳолаган ҳолда қабул қилиш;

- б) хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш;
- в) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави ва Банк ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

(Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган қисм)

Банк бошқаруви аъзосининг Банкка содиқлик билан хизмат қилиши қуидагиларда намоён бўлади:

- а) ўзи билан боғлиқ барча мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш;
- б) ўз хизмат мавқеидан шахсий манфаати йўлида фойдаланмаслик;
- в) манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ва Банк манфаати йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўскенилик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмаслик.

(Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган қисм)

23. Банк бошқаруви аъзолари қуидаги ҳуқуқларга эга:
- а) Банк бошқаруви мажлиси кун тартиби муҳокамасига масала киритиш;
 - б) Банк фаолиятининг маълум бир даврдаги фаолияти натижалари тўғрисида, уни ривожлантириш режаси ҳақида Бош банк таркибий тузилмалари ва Банк филиалларидан тўлиқ ва ишончли маълумот олиш;
 - в) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави, Банк ички норматив ҳужжатлари ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

24. Банк бошқарувидан, ўз вазифаларини амалга ошириш доирасида, қуидагилар талаб этилади:

- а) Банкнинг стратегик мақсадлари, бизнес-режаси ва корпоратив бошқарувга оид сиёsatда белгиланган вазифаларни амалга ошириш;
- б) Банк ташкилий тузилмасининг барча даражаларида Банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган сиёsatлар, тартиблар ва лавозим йўриқномаларига риоя этиши юзасидан самарали мониторинг тизимини ўрнатиш ва даврий равишда ушбу тизим самарадорлигини текшириш;
- в) Банк бошқаруви қарорларини қабул қилиш учун муҳим ахборотнинг тегишли тарзда тайёрланиши ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминловчи ишончли ахборот тизимларини ўрнатиш;

г) бизнес-режа қўрсаткичлари ва Банк стратегияси бажарилишини баҳолаш имконини берувчи, ўз ичида молиявий ва бошқа фаолиятнинг амалдаги натижаларини акс эттирган ҳисоботларнинг ўз вақтида Банкнинг кузатув кенгашига тақдим этилишини таъминлаш;

д) Банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви ёки бундай ҳолат юз бериши хавфи ҳамда бизнес-режа, стратегик мақсадлар, таваккалчиликларни бошқариш стратегияси ва риск-аппетитдаги ўзгаришлар, таваккалчилик чегаралари (лимити) ва пруденциал талаблар бузилиши, ички назоратдаги хатоликлар, хукукий ёки тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан кечиктирилмаган тарзда Банкнинг кузатув кенгашига хабар бериш;

е) Банкни бошқаришнинг тегишли ва очиқ ташкилий тузилмасини, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида банк ходимлари ўртасида ваколатлар ва мажбуриятлар тақсимланишини таъминлаш;

ё) Банк ходимлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

ж) Банк ходимларини, жумладан, Банк бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, улар иш жойининг ўзгартирилиши (ротацияси) ва лавозим бўйича кўтарилиш, малакасини ошириш, малакали ходимларни сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқиш, шунингдек, Банк ходимлари ўз мажбуриятлари, одоб-аҳлоқ қоидаларини бузган ҳолларда уларга нисбатанchorалар кўриш;

з) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва Банк уставида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

(Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)

25. Банк бошқаруви аъзолари Банк манфаатлари йўлида вижданан ва оқилона ҳаракат қилишга мажбур бўлиб, улар қуйидаги фидуциар мажбуриятларга риоя этишлари лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Банк устави ҳамда Банк акциядорлари умумий йигилиши ва Банкнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган стратегия ва сиёсаларни амалга оширишга доир қарорларга риоя этган ҳолда мажбуриятларини ўз ваколатлари доирасида бажариш;

б) ўзларининг вазифа ва функцияларини амалга ошириши учун ўз ваколатлари доирасида фаолият юритиш;

в) зарур ва ошкора маълумотларни белгиланган муддатда олиш, улар билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни кўриш ҳамда шахсий малака ва тажрибага таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш;

- г) манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармасликка оид талабларга риоя этиш;
- д) Банкни бошқариш органлари, шу жумладан, Банк акциядорлари умумий ийғилиши ва Банкнинг кузатув кенгашига нисбатан тенглик тамойилига риоя этиш;
- е) бенуқсон ишчанлик обрўсига эга бўлиш.

(Банк акциядорлари умумий ийғилишининг 2020 йил 25 сентябрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган ва 570-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳририданда банд)

7-§. Банк бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги

26. Банк бошқаруви аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

27. Суд Банк бошқаруви раиси ёки аъзосини Банкка мулкий заар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, унинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, унга хўжалик жамиятларида бир йилдан кам бўлмаган муддатга раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда, тугатилиши мумкин.

Банк бошқаруви раиси ёки аъзоси Банкка чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзи ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

27-1. Банк бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Банкка зарар етказилган бўлса ва бунда Банк бошқаруви раиси ёки Банк бошқаруви аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Банкнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, улар Банкнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. *(Банк акциядорлари умумий ийғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

8-§. Якуний қоидалар

28. Банк бошқарувининг қарори ва материаллари, шунингдек унинг аъзоларининг фикрлари қатъий сир тутилади ва Банк бошқаруви рухсатисиз расман ошкор этилмайди.

29. Банк бошқаруви мажлисига таклиф этилган шахс сир тутиладиган маълумотни ошкор қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида шахсан жавоб беради.

Бошқарув раиси

С.Нормухамедов

<i>Бошқарув аъзолари билан келишиилди:</i>	
Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	Ф.Самарходжаев
Бошқарув раиси ўринбосари	К.Габбазов
Бошқарув раиси ўринбосари	З.Курганов
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори	М.Маисова
Стратегик ривожланиш департаменти директори	С.Урманова
Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори	М.Мухаммедярова
Юридик хизмат департаменти директори в.в.б.	М.Мамбетов